

ХАЛҚ СЎЗИ

ЎЗБЕКИСТОН
ҚАМАРИЙ, 1413 ЙИЛ,
САФАР, 8-КУН,
ШАМСИЙ,
1371 ЙИЛ,
АСАД, 17-КУН.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 8 АВГУСТ, ШАНБА, 153-СОН • 404 •

НАРХИ: СOTУВДА 2 СЎМ.



ТАРИХ ҚАТЛАРИДА ЁНДИНГ ИСТИҚЛОЛ, СЕН ЭНДИ ҚАЛЪЛАРНИ МАКОН ҚИЛИБ ҚОЛ!

• Бош муҳаррирга мактуб

ҲОКИМИЯТ ЭМАС, «ҲОКИМЛИК!»

«Халқ сўзи» газетасининг 1992 йил 28 июль соинда олинмаган Н. Маҳмудов, Б. Тўхтеев, С. Мелиевларнинг «Ҳокимият эмас, ҳокимлик!» мақоласида билдирган фикрларини тўла қувватлаймиз. Мақолада ҳозирги пайтда «ҳокимлик» сўзи ўрнида «ҳокимият» нотўғри қўлланилганлиги, «ҳокимият» атамасининг маъмурият тушунчаси ас эттириши, «ҳокимлик» сўзи эса ўз маъносини жиҳатдан қайтариб олиниши тўғрисида таъкидланган.

Бироқ шунга қарамадан оммавий ахборот воситаларида ҳамон «ҳокимлик» ўрнида «ҳокимият» («шаҳар ҳокимияти», «район (туман) ҳокимияти») тарзида нотўғри қўлланилаётганига эътиборни жалб этиб муаллифлар тўғрисида қилишган.

Шуни айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Атамашунослик қўмитаси «ҳоким», «ҳокимлик» тушунчаси пайдо бўлган биринчи кундан «ҳокимлик»

(«ҳокимият» эмас) сўзини қўллаш лозимлигини айтган, масалан Тошкент шаҳар ҳокимлигини борда савол тушганида «ҳокимлик» сўзини тавсия этган.

Тарихимиздан маълумки, хон бошқарган мамлакат «хонлик», амир бошқарган мамлакат «амирлик» деб юртилган. Ёки бек бошқарган ҳудуд «беклик» деб аталган. Тилимизда тайёр аялаша бўлган ҳолда нима учун биз «ҳокимлик»ни «ҳокимият» деб аташимиз керак?

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «ҳокимият» — давлат бошқармаси ва унинг органлари; ҳукумат, сиёсий ҳукмронлик дейилган. Демак, «ҳокимият» сўзининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига ҳеч қандай алоқаси йўқ. «Ҳокимлик» эса маъмурий-ҳудудий тузилма бўлиб, республикамизнинг муайян бир ҳудуддаги маъмурий бошқаруви учун қўлланилган атамдир.

Атамашунослик қўмитаси «Ўзбекистон овози» газета-

сининг 1992 йил 3 март соинда «Қайси бири маъқул?» руқнда берилган рўйхатда худди шу «ҳоким», «ҳокимлик» сўзларини ҳам келтирилган эди. Ўзига келган хатлардан шу нарсани маълумки, газетхонлар ҳам «ҳокимлик» сўзини маъқуллаганлар.

Демак, мутахассис олимларнинг, кўп сонли газетхонларнинг фикрини инобатга олишимиз лозим: «ҳокимият» эмас, «ҳокимлик» дейишимиз ва ёшишимиз керак.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш жоизки, ҳозир Атамақўм тилшунос олимлар билан биргаликда район, тини, самолёт, суверинитет, программа, система каби мунозарага сабаб бўлаётган атамалар тўғрисида ҳам илмий жамоатчилик ва газетхонлардан фикр тўшламоқда.

Одил ҲУБОВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузурдаги атамашунослик қўмитаси раиси.

• Дипломатия



— Мухтаром Шафқат Али Шайх, суҳбатимизни Сиз бошқараётган элчихона олдига турган асосий вазифалардан бошласан.

— Бисмиллоҳир роҳмаир роҳийм. Қадимги Рим файласуфи Цицерон «Дунёда дўстликдан афзалроқ ҳеч нарса йўқ, умрдан дўстликни учириб ташлаш дунёни қуёш нуридан маҳрум этиш билан баробар» деганида минг нарсани ҳақ эди. Зотан, Ал Бериуний, Ал Хоразмий, Ибн Сино, Имом Бухорий, Имом Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек ва Заҳриддин Бобур каби уллоқларнинг юрти — шарқнинг кўрки бўлган Ўзбекистонга яхши ният билан ташриф буюришимиз бежиз эмас, албатта. Чунки бу муътабар юртининг муқаддас туғроғида аялдо аялдола турганимиз, азизу авилларимиз ҳамда, буюк хотинларимизнинг киндик қони тўкилган, Қолаверса, кўпларининг хоки пойи ҳам шу ерда. Мана шунинг ўзидек Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик жуда кўп йиллик тарихга эга эканлигини далолат беради. Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, мен юқоридан санаб ўтган буюк алломулар бу қадимий юртда қанчалик қадрланса Покистонда ҳам шунчалек ҳурлат ва иззат билан эъзозланган. Азал-азалдан бўлиб келгани каби бугунги кунда Покистон халқи ана шу бо-

юк зотлар қолдирган бебаҳо асарлардан баҳраманд бўлмоқдалар. Бу эса покистонликларнинг Ўзбек халқига бўлган садоқатини, ҳурмат ва муҳаббатини янада оширмоқда.

Мен бу серқуёш ўлка ҳақида кўп эшитганман, кўп ўқиганман. Бу юртда ер устига эмас, ер ости бойликлари ҳам битмас-туганмас. Ана шу бойликларни жумҳурият тараққиёти ва халқининг фаровонлиги йўлида

ломатиясини ҳар томонлама ривожлантиришга эътибор бермоғимиз керак. Ўзбекистон санъаткорларининг, олимларининг, шоир ва ёзувчиларининг, жамоат арбобларининг Покистонда бўлиши ва Покистондаги энгилларнинг сизнинг юртингизда бўлиши ҳар икки халқнинг маданий алоқаларини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этади деб ўйлайман. Шубҳасизки, бу болада сиз журналистларнинг

— Ўзбекистон раҳбарияти олиб бораётган ташқи сиёсат ҳақидаги фикрингиз? — Мен Ўзбекистон мустақил мамлакат сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлганлигини эшитганимда қанчалар қувонганимни билсангиз эди. Бу ўзбек халқи ҳаётида ўчмас из қолдирадиган оламшумул воқеа. Мана шу мисолнинг ўзидек Ўзбекистон раҳбарияти ташқи сиёсат билан изчил шуғулланаёт-

қул жиҳатдан бир-биримизга яқин ва ўхшашимиз. Шу боис ҳам ота-боболаримиз борди-келиди қилиб, савдо-сотик билан шуғулланганлар, ҳамкорлик қилганлар. Бугун ҳам дўстона ҳамкорлик дарвозалари очилганидан ва икки мамлакату икки халқ манфаатларига хизмат қила бошлаганлигидан жуда хурсандман.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов билан Покистон Ислам Республикаси Бош вазири Мухаммад Навоз Шариф томонидан имзоланган тарихий ҳужжатлар эса ҳамкорлигининг эртак эса янада торқоқ бўлишида катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Ўзбек заминига яшдан келишги боти вақтингизни қандай ўтказиб қолдингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз?

— Ўзбек заминига илк бор қадам қўйишим билан, унинг халқига бўлган чекинсиз меҳр-муҳаббат, дўстлик ва биродарлик туғиуларини қалбимда жўш турганини ҳис қилган эдим. Бугун ҳам ана шу туғиулар билан яна янаман. Бўш вақт масаласига келсак, у ҳақида гапирмасан ҳам бўлади. Негани, биз ишни энди бошладик. Кундузи ишлашнинг ўзини на қиёфа эмас. Элчихона вазифаларидан ташқари Ўзбекистон ва унинг халқи ҳаёти билан яқиндан танишиш, бу ердаги урф-одатлару анъаналарни чуқур ўрганиш, бунинг учун эса Ўзбек тилини билиш меннинг учун ҳам қарз, ҳам фардир.

— Суҳбатлашганингиз вақт ажратганингиз учун катта раҳмат. Ўзбек заминига эзгу ният билан қўйган қадамингиз қутлуг бўлсин!

— Илоҳим, айтганларингиз келсин.
Суҳбатдошлар:
Ҳошимжон МУРОДОВ,
Нуриддин ОЧИЛОВ.

ҲАМКОРЛИК УҒҚЛАРИ

ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИНING УЗБЕКИСТОНДАГИ ФАВҚУЛОД ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ШАФҚАТ ЭЗАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ ДАСТЛАБКИ ВАЗИФАЛАР ҲАҚИДА СУҒБАТ.

ишлатишда Покистон саноатчилари ҳам ёрдам беришга тайёрдилар. Биз техниканинг жиҳозлардан ташқари кўшма корхоналар учун мутахассислар тайёрлаш учун ҳам ёрдам беришимиз мумкин. Бизнинг элчихонамиз эса ана шу икки биродар халқ инбилармонларининг ҳамкорлигини йўлга қўйишда бош-қош бўлади. Шу билан бирга биз бошқа мамлакатларнинг Ўзбекистон пойтахтидаги элчихоналари билан ҳам мустаҳкам алоқа боғлаб, ўзбек динининг тинчлигига раванқи йўлида ҳамкорлик қиламиз.

— Ўзбекистон билан Покистон халқларининг маданий алоқаларини ривожлантиришда элчихона томонидан амалга ошириладиган ишлар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз? — Важонидил. Аввало шуни айтишим керакки, давлат раҳбарлари ва дипломатлари доимо халқ озу-истагани рўйга чиқарувчи кишилар бўлиб келганлар. Шундай экан, биз халқ дп-

ролингиз беқиёсдир. Чунки Ўзбек журналистлари Покистон ҳақида, бизнинг журналистларимиз Ўзбекистон ҳақида рўзномаларда қанчалик кўп ёзсалар, радио орқали кўпроқ хабар қилсалар, ойнаи жаҳонда кўпроқ кўрсатсалар халқларимиз бир-бирларини шунчалек яқин билиб оладилар. Худди мана шу мақсадда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов билан Покистон Ислам Республикаси Бош вазири Мухаммад Навоз Шариф томонидан икки мамлакат ўртасида маданият, соғлиқни сақлаш, фан, техника, надрлар тайёрлаш, туризм, спорт ва оммавий ахборот соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимга имзо чекилиши аниқ мудоа бўлди. Бу муҳим тарихий ҳужжат халқларимиз қалбидagi оруз-армонининг ушалишида, бой меросимизни ўрганишимизда, маданиятимиз, санъатимиз, урф-одатларимиз билан яқиндан танишишга кенг имкон беради деган умиддаман.

ганлиги бу борада фидоийлик билан меҳнат қилаётганлигидан далолат беради. Ўзбекистон аллақачон халқаро сиёсий майдонга қадам қўйган ва ўз ўрнини топган мамлакат ҳисобланади. Унинг раҳбарияти олиб бораётган ташқи сиёсат эса самарали ва салмоқли бўлаётганини бутун дунё кўриб турибди. Ислам Каримов бошлиқ Ўзбекистон раҳбарлиги тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлини ташқи сиёсатда ҳам бош меъсон қилиб олганликлари ҳамда бу муҳим ишда катта муваффақиятларга эришаётганликлари менч кечкиз қувонтиради. Бундай сиёсатни таърихлайман на қўллаб-қувватлайман.

Умуман Покистон Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг уфқлари кенг ва заровондир. Бугун бошланган икки томонлама фойдаланишнинг ҳамкорлигини ривожлантириш ва келгусида уни юқори поғоналарга кўтариш учун бизда ҳамма шароит мавжуд. Чунки, биз

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ВА СТАТИСТИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ РАИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитети раиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитети раиси

Тошкент шаҳри,
1992 йил 7 август.

• Хайрия кечаси

НОГИРОНЛАРНИ СУЯШ—САВОБ

ЯҚИНДА Янгибозор шаҳридаги марказий ўйингоҳда «Наво», «Ялла», «Юлдузлар» ансамбллари иштирокида хайрия концерти бўлиб ўтди. Уни Юқори Чирчиқ район ноғиронлар жамияти уюштирди. Тўшган маблағни район ҳудудда истиқомат қилаётган 650 ноғиронни, кам таъминланган она ва муҳтожларни бозор иқтисоди исканжасидан ҳимоя қилиш ва уларнинг турмуш шароитини яхшилашга сарфлаш режалаштирилган.

Нарх-наво бир неча баробар ошиб кетганлиги ноғиронлар жамияти кураётган корхоналарнинг ишга тушишига халал берди. Бунинг устига уларга ажратилган махсус транспорт йўқлиги ҳам ноғиронларнинг уйларида ишни ташкил этиш, меҳнат қила оладиганларни қувватлаб туришга имкон бермапти. Бу муаммоларни ҳал қилишнинг ўзи бўлмай-

ди, албатта. Маблаг керак. Пул келтирадиган объектларни ишга тушириш учун ҳам пул керак. Ана шу мақсадда ўтказилган хайрия кечаси район аҳлини, хўжаликларини, ташкилот, корхона раҳбарларини ишчиларини бефарқ қолдирмади.


Райондаги «Гулистон», «Дўстлик», Аҳмад Ясавий номли жамоа хўжаликлари 5 минг сўмдан, «Ўзбекистон», «Юқори Чирчиқ», Ийк ота номли жамоа, «Соҳибкор» давлат хўжаликлари 3—4 минг сўмдан, шаҳардаги тажриба-таъмирлаш заводи 5,5 минг, тайёрлов идораси 10 минг сўм пул ўтказдилар. Аҳоли ҳам қараб тургани йўқ. Кўпчилик баҳоли қудрат хайрия қилди.

И. ТОШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Боболар халқ-хануз уқтиришди: қарни тингла, ҳам-соянган урған, болангиз ўқит... Эҳтимол, бугунги кунда ўзаро текшириш бригадалари сўзи кўпчиликлари эриш туялар. Аммо бу тажрибада ҳижрат кўп. Ишонмасангиз Фаргона вилоятидаги Фурқат ва Бешариқ районлари аҳлидан суранг. Улар барча соҳада бир-бирларидан ўрганиб, ўргатиб келишади.

СУРАТДА: мусобақадом Фурқат ва Бешариқ районлари ўзаро текшириш бригадаси аъзолари.

Турғун МАҲҚАМ олган сураг.



• ОБУНА-93 •

«ХАЛҚ СЎЗИ» СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗДИР!

— Республика ҳукуматининг қарорларини режалари;
— иқтисодий янгиликларини, сиёсатда юз бераётган ўзгаришлар, миллий маданиятимиз бойликларини;
— халқро ҳаётида содир бўлаётган қулоқ эшитмагану кўз кўрмаган воқеалар;
— хуллас, барча соҳалардаги янги ва янги хабарлар билан мунтазам танишиб бориш имкониятига эга бўласиз!

— Республика ҳукуматининг қарорларини режалари;
— иқтисодий янгиликларини, сиёсатда юз бераётган ўзгаришлар, миллий маданиятимиз бойликларини;
— халқро ҳаётида содир бўлаётган қулоқ эшитмагану кўз кўрмаган воқеалар;
— хуллас, барча соҳалардаги янги ва янги хабарлар билан мунтазам танишиб бориш имкониятига эга бўласиз!

«ХАЛҚ СЎЗИ» СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗДИР!
ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЯДЛАР!
Қадрдон газетангиз — «Халқ сўзи»га обуна бўлишга шоянлик! Фақат обуна орқали Сиз газетамизнинг ҳамма сонини олиб ўқишингиз мумкин!

Газета билан мунтазам танишиб боришда Сиз учун ягона ва қулай йўл — бу обунадир!
Газетамизнинг обуна баҳосини эслатамиз:
— бир йил учун — 390 сўм;
— ярим йил учун — 195 сўм;
— уч ой учун — 97 сўму 50 тингиз;

Қадрли муштарийлар!
1993 йил учун газета ва журналларга обуна бошланди. «Халқ сўзи» газетаси учун ҳам обуна барча алоқа бўлимларида 1 августдан бошлаб қабул қилинмоқда.
Шу боис барча муштарийларга, ҳокимликлар, идора ва муассасалар, ташкилотлар раҳбарларига, клуб ва кутубхоналар мудирларига, Ўзбекистон халқ депутатлари ва барча тоифадаги депутатларга мурожаат қилиб, улардан ана шу муҳим сиёсий маърақада фавқ қатнашларини, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Вазирлар маҳкамасининг ҳафтада беш марта нашр этиладиган газе-

ДАВЛАТ ВА ШАҲС МУНОСАБАТИ

(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ФУҚАРОЛИК ТЎҒРИСИДА» ҚОНУНИ ЮЗАСИДАН АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР)

Сўнги ессинда шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини ўрнатувчи республика Фуқаролик тўғрисида қонуни қабул қилинди. Қонуни республикамизда яшашдан ҳар бир кишига тааллуқли бўлган учун ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Табиики, Фуқаролик нима? деган савол туғрилади. Фуқаролик — давлат билан жисмоний шахс ўртасидаги барқарор ҳуқуқий алоқа бўлиб, бу ҳуқуқий алоқа уларнинг бир-бири олдидан ҳуқуқ ва мажбуриятларидан келиб чиқади. Юридик маънодаги фуқаролик шахсининг маъмурият давлатга тааллуқлилигини кўрсатади. У ёки бу давлатга фуқаролик фуқаронинг даерда бўлишидан қатъий назар маъмурият давлат Ўз фуқаролигини ҳомийси ва ҳимоячиси эканлигини, унинг шу фуқаро устидан суверен ҳокимлик ҳуқуқини тасдиқлайди.

тег эканлигини эътироф қилади. Маълумки, шахсининг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари унинг энг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини жумладан қараванда мустақиллигимиз асосида республикамизда демократик давлат барпо қилиш мақсадини келиб чиқувчи фуқароларнинг тенглигини эътироф этиш алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон дунёнинг энг нуфузли ташкилоти Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб, унинг халқаро ҳужжатларини тана олди ва ўз ҳуқуқий тизмининг сиёсатини халқаро ҳуқуқнинг умумтан олган принципларига асосида қўймоқда. Худди шунингдек, республикамизда Хельсинки жараяни деб юртилган Европада ҳарфисизлик ва ҳамкорлик Кенгашида аъзо бўлиб, унинг Янгиловчи ақтини имзолади.

Ўзбекистоннинг «Фуқаролик тўғрисида»ги қонунида қўзда тутилган тенглик принципи ушбу халқаро ҳужжатларга тўла мос келади. Чунки, БМТ Бош Ассамблеяси 1948 йилда қабул қилган «Нисон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»да ҳам бир нисон ирди, тана рағни, жинси, тили дини, сиёсий ва бошқа

(Давоми 4-бетда).

Ойнач жаҳонда кўринг

Душанба, 10. VIII

УзТВ I

18.00 Янгилликлар.

18.10 «Билмасангиз қуёшли шаҳарда», Мультфильм.

18.30 «Дам олиш маскани мумамолари».

19.00 «Узбекистон» ахбороти [рус тилида].

19.20 «Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилди».

19.35 «...Яна қовбой». Катталар учун мультфильм.

19.45 М. Қорикўбатов номидати

Узбек Давлат филармонияси «Зарифаси» ашула ва рақс намозининг концерти.

20.30 «Узбекистон» ахбороти.

20.55 Тижорат хабарлари.

21.00 «Шарқ бозори», Марғи-лон халқ театрининг дам олиш кўрсатуви.

21.35 «Келдию кетди». Бадий фильм.

23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

«ТОШКЕНТ»

СТУДИЯСИ КўРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совғам».

19.00 «Ассалому алайкум». 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 «Болалар».

21.10 «Билмиб кўйган яхши...». 21.25 «Миришкорлар». 21.55 «Лаҳза». Хабарлар. 22.05 «Узингни эр билсанг...». 22.45 «Санников ер». Бадий фильм.

ТЕЛЕМОШАВАНЛАР ДИҚҚАТИГА

Профилатика муносабати билан душанба, 10 август кунини «Орбита IV» кўрсатувлари соат 4.55 дан 15.45 гача УЗТВ I канал орқали олиб кўрсатилади.

● «ОРБИТА IV»

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 «Янгулар». 5.45 «Тонг». 8.00 Янгилликлар. 8.20 «Байкалик қарилар». Телефильм. 9.10 «Статутка Фидия». Телевизион бадий фильм. «Нодир асарларнинг ишқибозлари» криминал туркумидан [Италия]. 10.10 «Янги авлод танлайди». 10.10 Янгилликлар. 11.00 Янгилликлар. 13.05 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 «Телемист». 13.55 «Ён дафтар».

14.00 Янгилликлар [сурдо таржимаси билан]. 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Хордиқ чқаринг». 14.40 «Менинг кишиларим». Телевизион бадий фильм. 1-серия. 15.45 Болалар учун фильм. «Электроникнинг саргузаштлари». 1-серия — «Қочиб». 17.00 Янгилликлар [сурдо таржимаси билан]. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «НЭП». 17.55 XXV ёғи Олимпдада ўйинчиларининг тантанали ёпилиш маросими.

19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 Ойнач жаҳонда биринчи марта. «Варфелкс музқаймоқ». Бадий фильм [Венгрия]. 21.45 «Янги студия» танштирадиган С. Пенкин концерти. 22.45 «Бомонда». 23.00 Янгилликлар. 23.35 Кўрсатувлар тартиби. 23.40 «Лимлоп».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

7.00 Хабарлар.

7.20 Ишбилармон кишилар даври. 7.50 «XX аср мадрда ва мадр ортда». 8.50 Ҳана устонаси. «Қулишга тоған вадинингиз наранга». А. Трушкин бенефиси. 9.45 Вай берилган идр-чимнат. 3-қисми «Гуноҳдан фори бўлиш». 10.25 Варнацияли мавзу. «Д. Д. Шостановичнинг эттинчи симфонияси». Хужжатли фильм. 11.10 Кундузги сеанс. «Гарога олинган». Бадий фильм. 12.40 «Деҳқонларга таалуқли масала».

14.00 Трансросфифр. «Урал-ТВ». 14.45 «Синтеполис» телекўрсатуви.

15.15 Болалар соаги (инглиз тилида кўрсатилади). 16.15 Янгилликлар. 16.30 «Сиз яратган боғ».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

17.00 «Сезам» кўчаси. 17.30 Хабарлар. 17.45 Халқ рақслари. 18.00 «Серташини оила». 18.30 «Сув билан нелган мада». 19.00 «Хужжатли фильм». 19.20 Хужжатли фильм. 19.30 Хабарлар. 19.45 «Эртанги кун бугундан бошланади». 20.40 «Хонанда». 21.02 Хабарлар.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

21.20 Душанба кунини детектив. «Шуша лабиринт». Бадий фильм.

Сешанба, 11. VIII

УзТВ I

18.00 Янгилликлар.

18.10 «Яшил орол сирини», «Қимматбахо соғам». Мультфильмлар.

18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележаридда».

19.00 «Узбекистон» ахбороти [рус тилида].

19.20 «Спортлото».

19.25 «Янгилашни йўлида».

19.55 Султоношша Удаева куйлайди.

20.30 «Узбекистон» ахбороти.

20.55 Тижорат хабарлари.

21.00 УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. Адабий театр. Тўлан Нисом. «Чўпон».

21.25 «Самурайлар байроғи». Бадий фильм. 1-серия.

22.35 Футбол. «Пахтакор-79» турнири. Финал. «Наваҳор» [Наманган] — «Косонсойчи» [Косонсой]. «Меҳнат резервлари» ўйини ҳақида оқиб кўрсатилади. Езиб олинган.

00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

10.30 «Ортининг азиз сий

моляри». Телефильм. 11.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар». 12.10 «Инглизча қотиллик». Бадий фильм. 1-серия.

«ТОШКЕНТ»

СТУДИЯСИ КўРСАТАДИ

18.30 «Субҳида». 19.30 «Чорраҳа». 20.00 «Мушқали меҳмонхона». 20.00 «Бўсоқ оқомда» кўрсатуви ҳақида хабарлар.

21.40 Эълонлар. «Киноингоҳ».

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилликлар.

5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгилликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йнглайди». Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси. 9.05 «Мовий қуш». Мультфильм. 9.55 «Куйлаш истаги». Тўрт сериали телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия [Италия]. 11.00 Янгилликлар. 13.55 «Ён дафтар».

14.00 Янгилликлар [сурдо таржимаси билан]. 14.20 Кўрсатувлар тартиби.

14.25 «Буй бўлган, бўлганди...». 14.45 «Менинг кишиларим». Телевизион бадий фильм. 15.55 Болалар учун фильм. «Электроникнинг саргузаштлари». 2-серия — «6-бўдаги сир». 17.00 Янгилликлар [сурдо таржимаси билан]. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «Снэсат» студияси намоиш этади: «Учинчи табақ». 17.55 «Крешендо». Мусикий кўрсатуви.

18.10 «Бойлар ҳам йнглайди». Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси.

19.00 «Мавзу». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «Куйлаш истаги». Тўрт сериали телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Қора қўти». 22.10 «Солнечный день» гуруҳининг концерти [Ашгабат]. 22.25 «Живая вода» клуби. Танарфус пайтда [23.00] — Янгилликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

7.00 Хабарлар.

7.20 Ишбилармон кишилар даври. 7.50 «Байрағим танил», Республика рус филармония марказининг очилши. 8.10 Хужжатли панорама. 9.10 Ишдан бўш пайтингда. «Коллекционер». 9.25 Варнацияли мавзу. «Чарақлаб янавер». 10.05 Кундузги сеанс. «Шеринлар». Бадий фильм. 12.25 «Деҳқонларга таалуқли масала».

15.00 Телебирна. 15.30 Мультфильм. «Бебаҳо сулар». «Кироннинг янги либоси». 16.00 «Рост» студияси. «Тонлабиринт». 16.30 Янгилликлар. 16.45 Телевизион ахборот ти-

жорат кўрсатуви. ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

17.00 «Сезам» кўчаси. 17.30 Хабарлар. 17.45 Халқ рақслари. 18.00 «Серташини оила». 18.30 «Сув билан нелган мада». 19.00 «Хужжатли фильм». 19.20 Хужжатли фильм. 19.30 Хабарлар. 19.45 «Эртанги кун бугундан бошланади». 20.40 «Хонанда». 21.02 Хабарлар.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

21.20 Душанба кунини детектив. «Шуша лабиринт». Бадий фильм.

Чоршанба, 12. VIII

УзТВ I

7.00 «Узбекистон» ахбороти. 7.25 «Саодатли санъат сайёралари». Фильм-концерт. 8.05 «Ноефлет қаерда?». Бадий фильм.

9.30 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради. 10.00 УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Истиқлол йўли». Фаргона вилояти.

18.00 Янгилликлар. 18.10 «Кўёнинг кўз ёшлари». «Алдар Кўса ва бой». Мультфильмлар.

18.30 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».

19.00 «Узбекистон» ахбороти [рус тилида]. 19.20 «Тилга эътибор...». 20.00 «Қалб наволарини». Концерт. 20.30 «Узбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Покистон мустақиллигига кўрсатуви. «Дўстлик ривожланиши». 21.40 «Мулоҳаза». Мусикий театрлар ҳақида. 22.40 «Самурайлар байроғи». Бадий фильм. 2-серия. 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

10.30 «Болалар». «Шаҳрисабз». Телефильмлар.

11.10 Болалар учун. «Эртақлар — яхшиликка етаклар».

11.40 «Инглизча қотиллик». Бадий фильм. 2-серия.

«ТОШКЕНТ»

СТУДИЯСИ КўРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней танштирадиган...». Мультфильмлар тўплами. 19.20 «Спринг». 19.40 «Шаҳар ҳокимияти фойлида». 20.40 «Судхўрнинг ўлими». Бадий фильм. 2-серия. 22.10 «Эсдалик учун дастхат». Ретро услубдаги мусиқа.

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилликлар. 5.35 «Тонг».

7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгилликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йнглайди». Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси. 9.50 «Мишқа дўстини излайди». Мультфильм. 9.55 «Куйлаш истаги». Тўрт сериали телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 11.00 Янгилликлар. 13.50 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 «Телемист». 14.00 Янгилликлар [сурдо таржимаси билан]. 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 Мультфильмлар: «Сехрилик қуш», «Бир том остида».

14.50 «Бенони ва Роза». Олти сериали телевизион бадий фильм. 1-серия. 15.55 Болалар учун фильм. «Электроникнинг саргузаштлари». 3-серия — «Кучук етаклаган болалар». 17.00 Янгилликлар [сурдо таржимаси билан]. 17.20 «Снэсат» студияси намоиш этади: «Келажак ҳақида эълан». 17.40 «Китобхона». 18.10 «Бойлар ҳам йнглайди». Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси. 19.05 Г. Бурбулиев. В. Познер ёрдамида Г. Бурбулиевнинг интервю олади. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилликлар.

20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «Куйлаш истаги». Тўрт сериали телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Мазкур туттинг... Разведка». 1-кўрсатуви. 22.00 Кечки альбом. С. Марков шеърлари. 22.20 «Фермата». Ахборот мусикий кўрсатуви. 22.40 Ярослав фестивали. 1-кўрсатуви. 23.00 Янгилликлар. 23.35 Кўрсатувлар тартиби. 23.40 «Ўқизмашини».

ТЕЛЕМОШАВАНЛАР ДИҚҚАТИГА

Профилатика муносабати билан чоршанба, 12 август кунини «Дубль IV» кўрсатувлари соат 16.30 дан олиб кўрсатилади.

7.00 Хабарлар. 7.20 Эълонлар. 7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 «Россияга қараган ойна». 8.50 «Ретро». Л. Мирво ва М. Новинский. 9.30 «Биринчи мусикий синовал». 11.10 Кундузги сеанс. «Гароини кўргизма». Бадий фильм. 12.40 «Деҳқонларга таалуқли масала». 13.00 «Асия ҳолича».

15.05 «Кузирхон».

15.35 «Болалик орузлари». Кўп сериали фильм премьераси (Франция). 14-серия. 16.00 Кристианлар учун кўрсатуви. 16.30 Янгилликлар. 16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

17.00 «Сезам» кўчаси. 17.30 Хабарлар. 17.45 Халқ рақслари. 18.00 «Серташини оила». 18.30 «Сув билан нелган мада». 19.00 «Хужжатли фильм». 19.20 Хужжатли фильм. 19.30 Хабарлар. 19.45 «Эртанги кун бугундан бошланади». 20.40 «Хонанда». 21.02 Хабарлар.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

21.20 Душанба кунини детектив. «Шуша лабиринт». Бадий фильм.

Пайшанба, 13. VIII

УзТВ I

7.00 «Узбекистон» ахбороти. 7.25 «Писикни». Телефильм. 8.05 «Мафруннинг» бадий фильм.

9.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нисона».

18.00 Янгилликлар. 18.10 «Қувноқ алдоқчи». Мультфильмлар.

18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Талаблик йиллари». 19.00 «Узбекистон» ахбороти [рус тилида].

19.20 «Бозор иқтисодиёти йўлида». 19.55 Мумтоз куйлардан концерт. 20.30 «Узбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Истиқлол йўли». Сурхондарё вилояти. 21.40 «Тезорат поезде». Бадий фильм. 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

10.30 «Шухрат Аббосов». Телефильм.

11.10 «Ватан ўғлонлари». Бадий фильм.

«ТОШКЕНТ»

СТУДИЯСИ КўРСАТАДИ

18.30 «Табасқон». 19.00 «Устона». А. Казаков. 19.30 «Ипакчилик». 20.00 «Пул оқомда». 20.10 «Бўсоқ». Хабарлар. 21.20 «Шуҳрат Аббосов». 21.30 Эълонлар. «Киноингоҳ».

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилликлар. 5.35 «Тонг».

7.50 Эрталабки гимнастика.

8.00 Янгилликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йнглайди». Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси. 9.50 «Кучук етаклаган болалар». 1-кўрсатуви. 11.00 Янгилликлар. 13.05 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 «Телемист». 13.55 «Ён дафтар».

14.00 Янгилликлар [сурдо таржимаси билан]. 14.20 «Бугун ва ушба пайтларда».

14.50 «Бенони ва Роза». Олти сериали телевизион бадий фильм. 2-серия. 15.50 «Егор бобонинг эрталари». Мультфильм. 16.00 «Жуда соғ, ало, гўзал». Болалар спорт кўрсатуви. 16.20 «Болалар мусикий клуби». 17.00 Янгилликлар [сурдо таржимаси билан]. 17.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.00 «Бойлар ҳам йнглайди». Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси. 18.45 XXV ёғи Олимпдада ўйинчиларининг якунлари. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгилликлар. 20.20 «Куйлаш истаги». Тўрт сериали телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия. 21.30 «Мазкур туттинг... Разведка». 2-кўрсатуви. 22.00 «Бағалдоқ». Илдий-омина. Бол фильм премьераси («Қозқорғалмас» ва «Союзтеелефильм» ва «Союзтелефильм»). Мусикий кўрсатуви.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

7.00 Хабарлар. 7.20 Ишбилармон кишилар даври.

7.50 «Нифоқ эрролари. Япониядан қараганда». 1-қисм. 8.20 «Маданият ва бозор». 9.20 Ишдан бўш пайтингда. 9.35 «Канит» кўрсатуви. 9.50 «Фольклор». 10.10 Ифодали санъати. Мусаввар Софья Халедия. 10.40 Театр сафарини. «Ички премьераси». 11.50 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп сериали бадий телефильм. 65-серия. 12.40 «Деҳқонларга таалуқли масала».

15.00 «Сигнал». 15.15 Мультфильм. «Тугун». «Нубини». «Қанотлар» оёқлар ва дулар». 15.45 «Эълонлар». 16.30 Янгилликлар.

16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

17.00 «Сезам» кўчаси. 17.30 Хабарлар. 17.45 Халқ рақслари. 18.00 «Серташини оила». 18.30 «Сув билан нелган мада». 19.00 «Хужжатли фильм». 19.20 Хужжатли фильм. 19.30 Хабарлар. 19.45 «Эртанги кун бугундан бошланади». 20.40 «Хонанда». 21.02 Хабарлар.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

21.20 Душанба кунини детектив. «Шуша лабиринт». Бадий фильм.

15.35 «Болалик орузлари». Кўп сериали фильм премьераси (Франция). 14-серия. 16.00 Кристианлар учун кўрсатуви. 16.30 Янгилликлар. 16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

17.00 «Сезам» кўчаси. 17.30 Хабарлар. 17.45 Халқ рақслари. 18.00 «Серташини оила». 18.30 «Сув билан нелган мада». 19.00 «Хужжатли фильм». 19.20 Хужжатли фильм. 19.30 Хабарлар. 19.45 «Эртанги кун бугундан бошланади». 20.40 «Хонанда». 21.02 Хабарлар.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

21.20 Душанба кунини детектив. «Шуша лабиринт». Бадий фильм.

Жума, 14. VIII

УзТВ I

7.00 «Узбекистон» ахбороти. 7.25 «Зебо, Знеда уйнар». Фильм-концерт. 7.55 «Қизини топинглари». Бадий фильм.

9.25 «Келажакимиз мактабда». 10.10 УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Истиқлол йўли». Сурхондарё вилояти.

18.00 Янгилликлар. 18.10 «Қувноқ алдоқчи». Мультфильмлар.

18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Талаблик йиллари». 19.00 «Узбекистон» ахбороти [рус тилида].

19.20 «Бозор иқтисодиёти йўлида». 19.55 Мумтоз куйлардан концерт. 20.30 «Узбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Истиқлол йўли». Сурхондарё вилояти. 21.40 «Тезорат поезде». Бадий фильм. 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

10.30 «Шухрат Аббосов». Телефильм.

11.10 «Ватан ўғлонлари». Бадий фильм.

«ТОШКЕНТ»

СТУДИЯСИ КўРСАТАДИ

18.30 «Табасқон». 19.00 «Устона». А. Казаков. 19.30 «Ипакчилик». 20.00 «Пул оқомда». 20.10 «Бўсоқ». Хабарлар. 21.20 «Шуҳрат Аббосов». 21.30 Эълонлар. «Киноингоҳ».

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилликлар. 5.35 «Тонг».

7.50 Эрталабки гимнастика.

8.00 Янгилликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йнглайди». Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси. 9.50 «Кучук етаклаган болалар». 1-кўрсатуви. 11.00 Янгилликлар. 13.05 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 «Телемист». 13.55 «Ён дафтар».

14.00 Янгилликлар [сурдо таржимаси билан]. 14.20 «Бугун ва ушба пайтларда».

14.50 «Бенони ва Роза». Олти сериали телевизион бадий фильм. 2-серия. 15.50 «Егор бобонинг эрталари». Мультфильм. 16.00 «Жуда соғ, ало, гўзал». Болалар спорт кўрсатуви. 16.20 «Болалар мусикий клуби». 17.00 Янгилликлар [сурдо таржимаси билан]. 17.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.00 «Бойлар ҳам йнглайди». Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси. 18.45 XXV ёғи Олимпдада ўйинчиларининг якунлари. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгилликлар. 20.20 «Куйлаш истаги». Тўрт сериали телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия. 21.30 «Мазкур туттинг... Разведка». 2-кўрсатуви. 22.00 «Бағалдоқ». Илдий-омина. Бол фильм премьераси («Қозқорғалмас» ва «Союзтеелефильм» ва «Союзтелефильм»). Мусикий кўрсатуви.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

7.00 Хабарлар. 7.20 Ишбилармон кишилар даври.

7.50 «Нифоқ эрролари. Япониядан қараганда». 1-қисм. 8.20 «Маданият ва бозор». 9.20 Ишдан бўш пайтингда. 9.35 «Канит» кўрсатуви. 9.50 «Фольклор». 10.10 Ифодали санъати. Мусаввар Софья Халедия. 10.40 Театр сафарини. «Ички премьераси». 11.50 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп сериали бадий телефильм. 65-серия. 12.40 «Деҳқонларга таалуқли масала».

15.00 «Сигнал». 15.15 Мультфильм. «Тугун». «Нубини». «Қанотлар» оёқлар ва дулар». 15.45 «Эълонлар». 16.30 Янгилликлар.

16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

17.00 «Сезам» кўчаси. 17.30 Хабарлар. 17.45 Халқ рақслари. 18.00 «Серташини оила». 18.30 «Сув билан нелган мада». 19.00 «Хужжатли фильм». 19.20 Хужжатли фильм. 19.30 Хабарлар. 19.45 «Эртанги кун бугундан бошланади». 20.40 «Хонанда». 21.02 Хабарлар.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

21.20 Душанба кунини детектив. «Шуша лабиринт». Бадий фильм.

15.35 «Болалик орузлари». Кўп сериали фильм премьераси (Франция). 14-серия. 16.00 Кристианлар учун кўрсатуви. 16.30 Янгилликлар. 16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

17.00 «Сезам» кўчаси. 17.30 Хабарлар. 17.45 Халқ рақслари. 18.00 «Серташини оила». 18.30 «Сув билан нелган мада». 19.00 «Хужжатли фильм». 19.20 Хужжатли фильм. 19.30 Хабарлар. 19.45 «Эртанги кун бугундан бошланади». 20.40 «Хонанда». 21.02 Хабарлар.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

21.20 Душанба кунини детектив. «Шуша лабиринт». Бадий фильм.

Шанба, 15. VIII

УзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

8.00 «Инсонга қанот нима учун керак?». Бадий фильм. 9.20 «Кичкина деманг биз н...». Спорт кўрсатуви. 9.50 Болалар учун. «Еришот». 10.20 «Мушоҳада». 10.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Меҳнатим — элга манзур».

11.20 «Санъат усталари». Халқ артисти Мухтор Ашрафий. «Яшил чироқ».

12.20 «Келин, бир кулишайлик». Республика кизкичи, асиячи, маскаробозларнинг IX тавлол кўрғини. 13.10 «Инсон саюматлиги ва атроф-муҳит».

13.50 Қорақалпоғистон студияси кўрсатади. «Ота макон».

18.00 «Рекс-терапевт». Мультфильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Кўшима, жон кўшимам». 19.00 «Узбекистон» ахбороти [рус тилида]. 19.20 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал. 19.30 «Узбекистон бастакорлари». Республикада хизмат кўрсатган артист Матинё Ўсупов. 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Истиқлол йўли». Бухоро вилояти. 21.40 «Ўнунилмас сатрлар». Хўжа Аҳмад Яссавий.

22.55 «Плошхдаги «Уч тераки қаҳваонаси». Бадий фильм. 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

АШГАБАТ КўРСАТАДИ

10.45 Телефильмлар. 11.00 Янгилликлар. 11.10 «Қаптан Врунгелининг саргузаштлари». Мультфильм. 1- ва 2-сериялар. 11.30 «Тенг дошлар». Болаларнинг байрам ҳордиғи [рус тилида]. 12.30 Бадий фильм. 13.35 «Оба дурмуши».

17.00 «Бир бор экан...». 17.45 «Кичкинтойларнинг саломатлиги».

ДАВЛАТ ВА ШАХС МУНОСАБАТИ

(Давоми. Бош 1-бетда).

Эътиборларидан, миллий, иқтисодий келиб чиқиши, мулк, табақавий ва бошқа фарқларидан қатъий назар барча ҳуқуқ ва барча эркинликларга эга бўлиши керак деб эълон қилинган каби маъқул қонун ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қонун олдида тенглигини мустақамлашди. Хельсинки Кенгашининг 1975 йилда қабул қилинган Янгуловчи актида инсон ҳуқуқлари, гоа эркинлик, виждон, дин ва эътиқодни ўз ичига олчуви асосий эркинликларни ҳурматлаш давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг асосий принциплари билан бири эканлиги белги-ландир.

Ўзбекистон фуқаролигига мансублик, биринчидан, келиб чиқиши, иқтисодий ва мулк ҳолатидан, иккинчидан, «ишлатилган, яъни, маълумоти, тили, сийосий қарашлари, диний эътиқоди, маншур-лотининг турли қатъий қоним Ўзбекистон ҳудудидан келиб қайтишдан бошқа фуқаролиги бўлмаган шахслар кирса, иккинчидан, давлат йўлланмаси билан республика-миз ҳудудидан четда иш-лаётган, ҳарбий хизматни ўтаётган, ўқитган шахслар, учинчидан эса, рес-публика ҳудудидан тугил-ган, фуқароликка қа-бул қилинган ва Ўзбеки-стоннинг қалқор шартнома-лари кўзда тутилган асослар бўйича фуқароликка оли-нган шахслар кирди. Юқори-да зикр этилган ҳолатларда фуқароликка мансублик шахсининг истаги бўлган тақдирдагина амалга оши-рилади. Ўзбекистон фуқаролигига мансублик шартлари, шунингек, 1966 йилда қабул қилинган «Ин-соннинг фуқаролик ва сий-сий ҳуқуқлари тўғрисида»ги халқаро Пактга мос келди.

Ўзбекистон фуқаролигида олишда шу ҳудудда тутилганлик, асосан, тупроқ принци-пи амал қилади. Тупроқ принци-пида кўра ўз ота-она-сининг қайси давлат фуқаро-лиги бўлишидан қатъий назар шу давлат ҳудудидан тугилган бола шу давлат фуқароси деб таъналади. Тупроқ принци-пи Америка Қўшма Штатлари ва кўпчилиги Латин Америка-си давлатлари қонунчилиги-да қўлланилиб, одатда, соф ҳолда учрамайди. Ўзининг қонунчилигида ҳам тупроқ принци-пига кенг ўрин берил-ган. Чунки, Қонуннинг 15-моддасида фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбеки-стон ҳудудидан тугилган бо-ласи Ўзбекистон фуқароси ҳисобланганини ёки ота-онаси номатўли бўлиб, республи-када яшашган бола ҳам Ўзбекистон фуқароси деб таъ-на олиниши кўрсатилган (Қонуннинг 16-моддаси).

Дунёдаги кўпчилик дав-латлари қон ҳуқуқи — яъни, бола қайси давлатда тугилганидан қатъий назар, у тугилиши биланқўз ўз ота-она-сининг фуқаролиги бўл-ган давлатнинг фуқароси деб таъналиши амалиётда фуқаро-ликка олишнинг асосий принципларидан ҳисоблана-ди. Қонуннинг 13-моддасида шу принци-п ўз ифодасини топади. Қон ҳуқуқи принци-пи яқин йўналишга эга. Баъзи давлатларда олишнинг ягона-лигидан, оилада отанинг ои-ла бошлиғи эканлигидан кели-б чиқиб, тугилган бола ота-насининг фуқаролигини ол-са (бунда никоҳсиз тугилган болаларгина оналининг фуқаролигини оладилар), бош-қа бир давлатларда никоҳ-луви томонларнинг тенгли-ғи ҳисобга олиб, болага ота-онадан бирининг фуқаро-лиги берилиши мумкин-дир. Маъқул қонунда никоҳ-луви томонларнинг тенг томонлар

эканлигига амал қилинган бўлиб, у қонуннинг 14-мод-дасида атофлича ёритил-ган.

Қонуннинг 6-моддасида никоҳдан ўтишда ва уни бе-кор қилишда фуқаролиқнинг сақланиб қолиш ҳолатлари кўзда тутилган. Унга кўра, Ўзбекистон фуқаросининг чет эл фуқароси ёки фуқароси бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтиши, никоҳнинг бекор қилиниши эр ёки хотиннинг фуқаролиқнинг ўзгаришига олиб келмайди. Эр ёки хо-тин фуқаролиқнинг ўзгари-ши иккинчиси билан фуқаро-лиқнинг ўзгаришига олиб келмаслик ҳолати БМТнинг 1957 йилда қабул қилинган «Никоҳдаги хотиннинг фуқаролиги тўғрисида»ги Кон-венцияда кўзда тутилган. Шу конвенцияга кўра никоҳдан ўтишда, никоҳнинг бекор бўлишида никоҳдаги эр фуқаролиқнинг ўзгариши хо-тиннинг фуқаролигига таъ-сир кўрсатмайди.

Фуқаролик тўғрисидаги қонун бипатридик — яъни, яқин фуқароликни ҳам истис-но тарзида кўзда тутилган. 10-модданинг иккинчи бандида тарихий адолатсизликлар қурбони бўлган юрдошлар-нинг илтимосларига кўра рес-публика фуқаролигига қабул қилиниши мумкин. Бу ҳуқуқ яқин тарихимизда ва-тандошларимизга нисбатан қўлланилган иқтисодий ва сийосий адолатсизликни бар-тараф этишга қаратилган тадбирдир. Халқаро таъри-бага кўра бипатридикларни ўз юридикциясида бўлган дав-лат фуқаролари сифатида кўради ва ҳимоясига олади.

Фуқаролиги бўлмаган шахслар — апартидларни аниқлаш шартлари қонун-нинг 11-моддасида белги-ланган. 1961 йилда фуқаролиги бўлмаган шахсларни қис-қартирини тўғрисида халқаро Конвенция қабул қилинган, фикримизча, республикамиз ушбу Конвенцияда иштирок этиши мумкин.

Қонун фуқароликдан чи-қиш ва фуқароликни йўқо-тиши фуқаролиқнинг тўхта-тиши асослари деб топади. Ҳар бир давлатда фуқаро-ликни йўқотиш амалиётда умумий асосларда, яъни, ав-томатик (экспатриация) ра-вишда, фуқароликдан чиқиш, фуқароликдан маъқул қилиш ва халқаро шартномаларда кўзда тутилган бошқа ҳол-ларда рўй беради.

Қонунда фуқаролик ишла-рини юритувчи давлат идо-раларининг тизими ва улар-нинг ваколатлари санаб ўтил-ган. Қонуннинг VI бўлимида фуқаролик ишларини юри-тиш, кўриб чиқиш, аризалар шакли, уларни расмийлаш-тириш ва ҳулосалар чиқариш тадбирлари баён этилган. Ўзбекистон Президентини ҳу-зурида фаолият кўрсатуви маъқул комиссиянинг иш юри-тиш тартиби ва ваколат-лари, қонун ижросини таъ-минлаш ва бу борада назорат-чилик амалга ошириш ҳам қонуннинг тегишли мод-даларида кўзда тутилган.

Республикамизда қабул қилинган маъқул қонун шах-сининг фуқаролик ҳуқуқлари-ни, халқаро ҳуқуқий ҳуж-жатларга мос ҳолда таъбиқ этилишини таъминлайди. Албатта, инсон ҳуқуқлари кўп қиррали ва уларни қа-фолатлаш демократик, ҳуқу-қий давлат қураётган муста-қил Республикасиз учун ўта маъсул вазифа, қабул қи-линг қонуннинг давлат томонидан иқро этилагани-ни ифода қилади.

ЛОЛА ҚАРИМОВА,
ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, Зафа Фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий ходими.

01 оғоҳлантиради

Қўқламда ёнгирчиликнинг кўп бўлганлиги галла-корларга жуда қўқ келди. Галла ҳосили ўтган йилларга қараганда бисёр. Галла-корлар пешона тери билан етиштирилган ризку рўзи-мизнинг бир мисқолини ҳам ноқуд қилмасдан эл дастур-хонига етказиб бериш учун кечани-кеча, кундузи-кун-дуз демай меҳнат қилиш-моқда.

Бироқ шундай оғир меҳ-нат эвазига етиштирилган ҳосилни улкан оғат — эн-гин хавфидан асраш, унга қарши курашиш усулларини афсуски кўп жойларда яқ-ши билмишайди.

Масалан, шу йилнинг ўзи-да Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги «Гул-боғ» давлат ҳўжалигига қар-раш бўғдойзорда йнгим-терим даврида кўп-кўн-дуз кўни тўсатдан ёнгин содир бўлиб, икки гектар майдон-даги бошқорилган етилиб тур-ган бўғдойнинг кули кўкка соғурилди. Яқиниям туман марказида жойлашган ўт ўчириш қисми тезда етиб келиб, даля меҳнаткашларни ердамида ёнгини барта-риқ қилиди. Худди шундай воқеа Жиззах вилоятининг Золдин районидagi «Зар-бў» давлат ҳўжалигида ҳам юз берди: бўғдойзорда ёнгин чиқиб, 5 гектар май-

дондаги ҳосил ёниб кетди. Қуни-кеча шу вилоятнинг Бахмал районидagi «Саа-ат» давлат ҳўжалигининг бўғдой экилган даласида ота-оналари қаровисиз қол-дирган болалар майдонда олов билан ўйнашлари оқи-батида галла даласида ёнгин чиққан. Болалар алағани кўриб, қўрққаларидан қўрт томонга қочиб кетган-лар, ҳеч кимга хабар бе-

Шу кунларда жумҳури-ятдаги кўп-кўп омборхона ва тегиримонларга йнгиб олинган бўғдой маъсулотлари бетўх-тон келиб турибди. Элимиз учун ниҳоятда зарур ушбу маъсулотларни сақлашда ҳамда ишлаб чиқариш жа-риёида ва тайёр маъсулотлар-ни етказиб беришда ёнгин чиқмаслигини таъминлаш му-ҳим масалалардан бири ҳи-собланади. Маълумки, жум-

бетўхтон ишлатилиши, улар-даги усқуналар эскириб қолганлиги натижасида ёнгин чиқиш хавфи кучлидир. Масалан, Тошкент шаҳри-даги айрим қорхоналарни олайлик; 3-ум маъсулотлари ишлаб чиқариш қорхонасида бир неча йиллардан бери ус-таxonалар ва омборхоналар-га автоматик равишда ёнгиндан хабар беришчи мо-ламаларни жорий қилиш ва

Корхоналар ва омборхоналарда бу иш раҳбарлари Э. Аҳмаджона-ев, А. Афанасьев, Т. Қур-бонов ва Тобибоновларга қўрилган маъмурий жазо қор қилмаганлиги сабабли қорхона ишлари вақтинча-лик тўхтатиб қўйишга маъ-қул бўлди. Тошкент нон заводи (раҳбари Т. Шоди-мов) 2-сон ишлаб чиқариш қорхонаси (раҳбари С. Али-ев) да ҳам худди шундай аҳволни учратиб мумкин.

Бу қорхоналарда ёнгин-нинг олдини олишга қарати-лган тадбирлар бир неча йиллардан бери амалга оши-рилмаётди. Раҳбарларга қо-нуний равишда берилаётган маъмурий жазо яъни пул жарималари ўз таъсирини кўрсатмай қўйди. Ҳозир шу қорхоналарни вақтинчалик тўхтатиб қўйиш масаласи кун тартибидан турибди. Юқо-ри идоралар, ҳокимият раҳ-барлигига бу қорхоналар-да аҳвол ёмонлиги ҳақи-да маълум қилинди.

А. ЕҚУБОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгиндан муҳофазат қилиш бошқармасининг бош-лиги, ички хизмат пол-ковини.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ПЕШТАХТА ОСТИДАН

ХОРИЖДАН келтирилган ноёб молларни пештахта остидан қайғов нархида пулла-таётганини кўп эшитгандик. Лекин рўзноманинг қайғовга чиқарилгани Қитоб томон-ларда кўз кўриб, қўлоқ эшитмаган воқеа бўлди.

Яқинда Қитоб район поч-тасига қарашли Бодом Хол-муродова мудирлик қилаёт-ган 2-дўқонда ана шундай қайғов нархида рўй берди. У «Халқ сўзи» рўзномаси-нинг ҳар нусхасига 50 тиён-дан қўйиб пуллаётган пайт-да қўлга тушди. Рўзнома билан қайғовчилик қилаётган дўқондор опа устидан жион-ий иш қўзғатилди.

П. ГАДОВЕВ,
Халқ сўзи» мухбири.

ЭЛ БОЙЛИГИНИ АСРАЙЛИК

ришмаган. Қир бағридаги бўғдойларни ўриб юрган қомбайн ҳайдовчиси ёнгини кўриб қолди, дарҳол шу раъно марказидаги ўт ўчи-риш қисмига хабар берган.

Юқоридagi мисоллардан кўрииб турибдики, ёнгин бирор сабабсиз содир бўл-майди. Арзимаган ҳар хил ноқуд ҳаракатлар ёки, ак-синча, ҳаракатсизликлар ёнгин чиқишига замин яра-тиши мумкин. Шунинг учун галлакорлардан илтимосим-из шуки, йнгим-теримнинг охириги дақиқаларида хуш-ёрликни икки-уч қарра кў-лайтириб, ёнгин хавфининг олдини олиш ишларига ало-ҳида эътибор бериш лозим.

ҳуриятимизда ун маъсулоти таъсир. Ун халқимиз учун биринчи даражали зарур озуқа маъсулотидир. Шунинг учун уни кўз қорачиқдек асраш даркор. Шу маъсу-лиятли вазифани инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирли-гининг Ёнгиндан муҳофазат қилиш бошқармаси ходим-лари вилоятлардаги катта-кичик тегиримонлар ва бўғдой сақланаётган омборхона-ларни атофлича, чуқур текширувдан ўтказди. Хуло-са шуки, қорхоналар жой-лашган бинолар, ишпоёт-лар узоқ йиллардан бери

таъмирлаш ҳамда ўт ўчириш мотопомпасини соғалаш иш-лари, биродаги тез ёнгини усқуналарини оловга чидамли қилиш мақсадига маъқул қоршамалар билан ишлов бериш, устаxonалардаги эшикларни ёнгинга чидам-ли қилиш ва етарли дара-жада дастлабки ўт ўчириш анжомлари билан таъмин-лаш, юқори ва олдин қув-ватда ишлатиладиган электр чармондаги усқуналарни танзимда тозалаш тадбир-ларини бажариш пайсалга солиб келинмоқда. Қор-хоналар раҳбарлигига Ёнгин хавфининг олдини олиш мақсадига қоралар кўриш юзасидан таклифлар

• Шахмат ва шов-шув

ФИШЕР ЎЙНИГА ТАЙЁР

АММО БОРИС СПАСКИЙ ҲАТТО У РОБЕРТНИНГ БУГУНГИ КҮНГИ

ХАЛИ ИШОНМАЭТИР. ҲАТТО У РОБЕРТНИНГ БУГУНГИ КҮНГИ

СУРАТИНИ СУРАДИ.

Шундай қилиб, Роберт Жеймс Фишер Будапештта кўни, бу ердан полиция «Мерседес»ида Белградга, сўнгра зудлик билан 1 сеп-тябрда бошланиши лозим бўлган қизилари учрашув ўт-назиладиган Муқаддас Сте-фан оролига кўнайдди. Уни белградлик бизнесмен, матч башки соҳибчи Е. Васильевич, венгриялик қиз Эита ва гротмейстер Светозор Гли-горичлар кўнаиб борадилар. Шарт шундай: учрашув бош-дангунга қадар ҳеч қандай сўхбат ва суратга олишлар бўлмайди. Матч эса тарихий санада, яъни Фишер 1972 йил Спаский устидан галаба қилиб, чемпионлик унвоинини қўлга киритган кунда бош-ланади.

Матчнинг биринчи қисми Муқаддас Стефан оролида, иккинчи қисми эса Белград-да бўлади. Беллашув ўта галабага қадар давом этади. Партиясалар соат 3 да бошла-нади ва охиригача ўйналади, кечинтирилган ўйналар бўл-майди. Мабодо партия бир соат ичюда яқунласа, шу дамдан бошлаб иккинчи пар-тия бошлаб юборилади. То-молабдилар сахналан — 15 метр узонликда ўтиришлари керак. Фишернинг бир ҳа-тор шартлари ана шундай.

Қизик, Югославия матбу-отида узоқ вақт Борис Спас-кийнинг ариза ва изохлари кўзга ташланмади. Кечагина Франциядан янги хабар кел-ди. Спаский матч ҳақидаги шартномага имзо чекибдию, аммо учрашув бўлишига ҳа-ли-хануз шубҳа билан қара-ётган экан. Энг қизиги, у Фишернинг бугунги кундаги суратини зудлик билан юбо-ришларини илтимос қилган. Борис бобо ҳозирги Фишер-нинг эски рақиб эканлиги-га ишонмайпти, чоғи!

Матч ташкилотчилари унинг Белградга учрашув бошланишига бир ҳафта бошланади келишини эълон қи-лишти. Унинг секундантлари — Балабан (Анастий Кар-повичнинг собиқ тренери) ва Никитин (Гарри Каспаров-нинг собиқ тренери).

Мангу жаҳон чемпиони бўлмагани каби абадий ёш-лик ҳам йўқ. 1976 йил Ана-толий Карпов ўзининг Фи-шер билан учрашувига ҳақида гапирар туриб, бундай деган-ди: «Фишер қандай пайдо бўлган бўлса, кутилмаганда шундай йўқолди. Минг аф-суслар бўлсинки, у энди қайтмайди». Михаил Таль бил бошқачароқ фикр бил-дирган: «Фишер дохийлар янглиғ олдиндан қаромат қи-либ бўлмайдиган қудратга эга. У ҳали дунёни ҳайратга солажак. Ва нафақат шах-матда».

Жаҳоннинг кучли учинчи шахматчиси ҳисобланган Лю-бимир Любович: «Грета Гар-бо ва Роберт Фишер — саҳ-нада бошқа ҳеч қачон қайтиб келмайдиган тирик афсона-лардир» деганди.

Роберт Фишернинг ўзи эса ўша даврда янада шов-шувлароқ гаплар айтувди: «Мен шахмат оламига қу-лимиз кўрсатиб қўяман, бу олдим энди менинг партиясаларимни қўролмайдим». Чунки мен бошқа ўйнамайман».

Июска нега Югославияда шахматнинг «оқпадар ўғли-нинг қайтиши содир бўлмоқ-да? Бунга бир қанча сабаб-лар бор. Бу Югославиядаги тўлоноларга қарши катта «тўлоно»дир. Эсингизда бў-лсин, айнан Фишер теле-фонда Гаванадаги туририда қатнашиб, АҚШнинг Кубага қарши қамалига зарба бер-ганди.

Матч ташкилотчилари со-биқ қиролни айнан шу пайт

ўйлайди, ахир ҳозирги че-мпион ишлаётган барча пул-лар фақат унинг туфайли-дир».

Роберт Фишер сентябрда Белградда қолади. Шунда журналистлар билан унинг «Яраш ош» бўлади. Матбу-от конференциясининг би-ринчи қисми... Экс-чемпион ҳар бир партиядан сўнг, Ве-глар телевиденисига 90 се-кундлик интервью-шарҳ бе-ради. Бундан ташқари ҳаф-тада бир марта курашнинг қандай кетаётганлиги ҳақи-да ҳам гапирди. Унинг мат-буотга қилган шарти ягона: шахмат ҳақида ҳоҳланганча қозғ қоралашлари мумкин, аммо унинг хусусий турмуш тарзи ҳақида бир оғиз ҳам эъзини раво кўрмайди.

...Роберт Фишер Белградда-ги кўнига 1,5 минг доллар туланиданган вилласидан қайтди. Светозор Глигорич Зизга қизик интервью берди:

— Шов-шув бўлишига ишонасизми?
— Экс-чемпионнинг шу ердалигининг ўзи шов-шув эмасми?

— Бугунги Фишер ҳақида нималар дея оласиз?

— Унинг қайтишидан ни-ҳоятда хурсандман. Бу худ-ди муъжизага ўхшайди. Кў-ринишидан Фишер жуда яқ-ши.

— Матчнинг бош ҳақами ким бўлади?

— Менимча Рейкьявикда 20 йил бурун ким бўлган бўлса ўша — Лотар Шмидт.

— Мабодо у қўнасизми?

— Бошқа вариантлар ҳам бор. Масалан, гротмейстер Борислав Йвков.

— Сизнинг муқаддас Сте-фан оролида Фишер билан ўнлаб партиясалар ўйнагани-гиз ростми?

— Рост, фақат тез шах-мат ўйнаганимиз.

— Ва, нима бўлган?

— Ҳар доим Роберт ют-ган.

...Собиқ қирол ёруғликка чиқди. Кеча у Белград мар-казида сайр қилди. Хитой ресторанида овқатланди. У ҳеч қачон қилмаган ишлари-ни қилди — одамларга даст-хат тарқатди.

Е. ФАДЕЕВ.

ЭЪЛОНЛАР.



ЧИҚМАЙСИЗМИ?

МУСУЛМОНЛАР УЧУН ҚИЗИҚАРЛИ БЎЛГАН БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИГИ, ЎТА ЗАМОНаВИЙ СИНГАПУР, МАЛАЙЗИЯ ЁКИ БОШҚА МАМЛАКАТЛАРГА БОРИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

«АВИАБРОК»НИНГ ТРАНСПОРТ-ФРАХТ КОМПАНИЯСИ БУНДАЙ САЕХАТЛАРНИ «ЎЗ-БЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» АВИАКОМПАНИЯСИНИНГ САМОЛЕТЛАРИДА УРТА ОСИЕ-ДА ТУРИСТЛАР УЧУН ЭНГ АРЗОН НАРХЛАР-ДА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, АКЦИОНЕРЛИК ВА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТГА!
Тошкент полиграфия ком-бинати акциялар, лотерея патталари ва бошқа қиймат-ли қозғолар, турли хил ра-қамланган патта ва бланк маъсулотлари, қачуқули муҳр ва штамплар, гувоҳнома-ларни ўта қисқа муддат ичида тайёрлаб бериш учун чекланмаган миқдорда бу-юртма қабул қилади. **МАНЗИЛИМИЗ:** Тош-кент — 700129, Навоий кўча-си, 30.

БРОНЗА ҲАМ МЕДАЛ

Эртага олимпиада ўйинлари никоҳсига етади. Утган кунлар мобайлида спортчилар гарчи бир-бирларига рақиблик қил-ган бўлсалар-да кўп-кўп дўст-лар ортиришди. Уларнинг ак-сариятига жаҳон, китъа бирин-чилигида учрашши насб этар, лекин навбатдаги ёзги олимпиадагача хайрлашишлари турган гап.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО
ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608. Вуэртга Г—187.

Бош муҳаррир Анвар ЖҲРАБОВЕВ.
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Қарим БАҲРИЕВ, Эсирган БОЛИЕВ (маъсул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳиддин МУҲИДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Леа ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қулахмад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азим СУЮН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧКИН (маъсул котиб, «Народное слово»), Мухтарам УЛҲОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Рамиз ФАРҲОДИЙ, Шавкат ЯҲЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Саидхорр ГУЛОМОВ.